ЮКСАК БИЛИМЛИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ж.С.Ийманов

Мақолада юксак билимли, салоҳиятли ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлиги, бу соҳада юртимизда қилинаётган кенг кўламли ишларнинг ижобий натижалари илмий манбалар ва ОАВ материаллари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *истиқлол, жамият,, миллат, ёшлар, маънавият, таълим-тарбия, комил инсон, илм-маърифат баркамол авлод.*

В статье на основании данных научной литературы и материалов СМИ раскрывается особая забота государства о молодежи, подготовке высококвалифицированных кадров в соответствии с требованиями, проводимых в Республике реформ, и роли молодёжи в них.

Ключевые слова: *независимость, общество, нация, молодёжь, духовность, воспитание, идеальная личность, наука и просвещение, молодое поколение.*

This article deals with the educating problems of teenagers with high level of knowledgeable and capability. Ths is the main demand of our time in our country. In this field achievements of high effective works that are done in our country are giving us positive results.

Key words: *independence, society, nation, teenager, moral, educa-tion, perfect human, Study - education, healthy child, mature generation.*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган вақтдан буён ўтган йиллар давомида демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзлик, ўзига хосликни кенг тарзда англаб етган ва мустаҳкам миллий ғоя, тафаккур билан етилган жамият аъзоларини тарбиялашни талаб этмоқда. Айни пайтда, мустақиллик даврида миллат, халқ тақдири билан боғлиқ жараёнлар сарҳисоб қилинса, асрларга тенг, улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун фарзандларимизнинг баркамол ўсишида маънавий тарбия масаласи бош мақсад эканини ҳар бир фуқаро, айниқса, аҳолининг зиёли қатлами чуқур англаши зарурдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Сира муболағасиз айтиш мумкинки, халқни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш соҳасидаги катта ишда зиёлиларимиз асосий, ҳал этувчи ўринни эгаллашлари даркор. Зиёлилар сўзи одамларнинг онги-шуури ва қалбида ҳамиша акс садо беради. Ғайрат-шижоат ва ижодкорлик кўпроқ номоён бўлса деймиз. Ёш олимларга ёрдам берайлик. Шундай қилсак, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида дуруст натижаларга эришамиз. Биз бу борада ёрдамни бундан буён ҳам ҳеч аямаймиз” [1.89]. Ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашга асосий эътибор берилди. Жамиятимиз учун ҳар тарафлама соғлом, юксак маънавиятли кадрларни тайёрлаш, ёшларга, фарзандларимизга бош бўлиб, юрт равнақи, истиқболи, келажаги учун эзгу хизматларни виждонан амалга ошириш ҳар бир зиёлининг асосий бурчига айланди.

Маънавиятга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил эса таълим-тарбия тизимидир. Ёшларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб берадиган, иродасини мустаҳкам қиладиган ўткир фикр ва ғоялар, ибратли хулосалар асосида маънавий-маърифий тарбия ишларини янада кучайтириш бугунги кунда ғоят долзарбдир [2.6]. Буюк мутафаккирларимиз илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти, гарови деб билган. Инсон доимо илми билан улуғланади. Шу сабабли илм инсонийликнинг тожидир. Илм олиш, илмли бўлиш йиллар давомида изчиллик билан давом этиб, мустаҳкамланиб, сайқалланиб боради. Сабр, матонат билан турли машаққатларни енгган ҳолда олинган илм инсонни улуғликка етаклайди, халқ орасида азизу мукаррам этади.

Ёш авлодни тарбиялашда ҳам илм асосий мезон бўлиб, уларда билим олишни қадрлаш, меҳнатсеварлик, олийжаноблик, иродаси мус-

Ж.С.Ийманов *– Андижон қишлоқ хўжалик институти ўқитувчиси*

таҳкам, халқпарвар, одиллик фазилатларини юксалтириш зарурдир. Бу инсонийлик бурчини бажариш учун маънавиятни чуқур англамоқ ва маъносини тушунмоқ лозим. Президентимиз И.А.Каримов эътироф этганидек, “Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” [3.19]. Маънавият инсонга йиллар давомида оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, ҳаёт сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Инсоннинг энг ноёб фазилатларидан бири унинг комилликка интилишидир. Юртбошимиз сўзлари билан таъкидлаганда, “Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз” [4.6]. Меҳнат, ақл, идрок, одоб-аҳлоқ, эзгу амалларни қилиш инсонга хос фазилатдир. Ҳунар, илм, одоб инсонни юксакликка кўтаради, маънавий соғломликни оширади. Шу сабабли ҳам илм ва ҳунарни фурсат бўлганда ўрганавериш керак, токи илм ва ҳунар зарур бўлган пайтда фурсат топилмай қолмасин. Илм ўрганмасдан туриб, киши улуғликка, одамийликка қанча интилмасин, мақсадига ета олмайди. “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар”, “Бешикдан то қабргача илм ўрган” деган халқ ҳикматларида ҳам билимнинг инсон учун энг буюк куч экани, ўз умри давомида уни изчиллик билан ўрганиб бориш зарурлигини таъкидланмоқда.

Буюк мутафаккирларимиз илмни танҳоликда ҳамроҳ, хилватда дўст, тўғри йўл кўрсатувчи далил, хурсандлик ҳамда хафалик пайтда кўмакчи, дўстлар олдида вазир, бегоналар олдида яқин дўст ва жаннат йўлининг минорасидир [5.16] деб таърифлайдилар. Илм инсоният гавҳаридир. Кибрли, илмсиз, жоҳил одамни халқ қабул қилмайди. Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат [5.20]. Бугунги кунда қилаётган барча эзгу ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда, бироқ бахту саодат фақат бойлик, мол-мулк билан эмас, илмли, ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли авлод ота-онанинг ва бутун жамиятнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун ёшларни ҳар тарафлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, мустақил фикрлаш ва эзгу амалларни бажаришга ўргатиш лозим.

Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Фарзандларга ёшлик чоғидан оилада миллий тарбия, одоб-ахлоқ, ибратли қадриятлар, олийжаноб фазилатларни шакллантириш, илм олиш, китоб ўқишга меҳр уйғотиш зарур. Мустаҳкам, соғлом муҳитдаги оилада фарзандлар ҳам соғлом фикрли, маънавий дунёқараши кенг, илмли, комиллик сари интилувчи бўлиб вояга етади. Бундай авлод эса давлатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёти учун албатта ўзининг эзгу ҳиссаларини қўшади. Шу сабабли ҳам оила соғлом бўлган юртда, жамият мустаҳкам бўлади, жамиятнинг мустаҳкамлигидан мамлакатнинг барқарорлиги, тараққий этиши, жаҳонга юз тутиши яққол кўринади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги ёшларимизнинг замонавий фан-техника ютуқларига қизиқувчан, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши учун юртимизда барча имкониятлар яратилган бўлиб, ёшларимиз шундай эътибордан янада кенг фойдаланиши, кўпроқ илм олиши, меҳнат қилиши, ўз устида самарали ва албатта юқори натижаларга эришган ҳолда ишлаб, маънавий комиллик учун доимо интилиб, жамият учун, давлатимиз учун нақадар кераклигини ҳис қилиб яшаши ҳар бир юрт фарзанди учун шарафдир. Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган бундай улкан ишларга дунё жамоатчилиги, жумладан, 2012 йил 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияга жаҳоннинг 48 мамлакатидан, 8 та нуфузли халқаро ташкилотдан келган мутахассислар юксак баҳо беришди. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалар кундан-кунга ривожланмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг натижаларини назарда тутиб Президентимиз И.А.Каримов “Бугунги кунда ёшларимиз ҳал қилувчи бўлиб ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман” [6.36] дейди. Ёшларга қарата: “Сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб, замонамизнинг энг илғор ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил” [7.82],- деркан, юртбошимиз ёшлар жамиятимиз эртаси эканлигини ҳар вақт ёдда тутишга даъват этади. “Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳаётга ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим”

[9]. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилган ҳолда, ўз тарихини чуқур билган, идрок қилган, ундан холис хулоса чиқара олган, бугуннинг талабларини тўғри тушунган ва моҳиятини англаган ёшлар Ўзбекистон келажагининг мустақил пойдеворидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳақиқатан ҳам илм, маърифат, маънавият – инсонийлик тожидир. Инсонийлик тожини бошга кўтариб, элим, юртим, ватаним, оилам, деб ёниб, доимий эзгу ҳаракатда яшаган инсон ҳаёти давомида юксакликка интилиб, тўғри йўлдан адашмай, буюк ишларни амалга оширади. Зеро, ҳозирги глобаллашув шароитида фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият ҳақиқий енгилмас кучга айланиб, келажагини ўз кучи, билими, ақл-заковати, юксак маънавияти билан қуради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т: Ўзбекистон, 2011.

2. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 2012.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

5. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. – Т.: Шарқ, 2006.

6. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили - буюк келажагимизнинг гаровидир.- Т.: Ўзбекистон, 2011.

8. Президентга мактублар. – Т.: Маънавият, 2006.

9. Тошкент оқшоми.- 2012.- 10 май.

2015 йил 17 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ў.Убайдуллаев)